

**«ТАСДИҚЛАНДИ»  
АЖ «UZBAT A.O.» ҚК  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА  
2022 ЙИЛ 27 МАЙДАГИ БАЁННОМА**

**ГАДАЙБАЕВ Т. У.  
АЖ «UZBAT A.O.» ҚК  
БОШ ДИРЕКТОРИ**



**AKSIYADORLIK JAMIYATI  
«UZBAT A.O.» QO`SHMA KORXONASINING  
САНОҚ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ  
(янги тахрирда)**

**ТОШКЕНТ 2022**

## ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДА:

- Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларин ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 66-моддасига биноан УЗБАТ Санок комиссиясини тузиш лозим;
- АЖ «UZBAT А.О.» ҚК Уставининг 21.6 а-моддаси ва Акциядорларининг Умумий Йиғилиши тўғрисидаги Низом»нинг 8-моддасига биноан, УЗБАТ Санок комиссияси тузилган ва у амал қилмоқда;
- Ва УЗБАТ Санок комиссияси фаолиятини тартибга солиш ва унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янада аниқ тақсимлаш мақсадида

УЗБАТ акциядорлари, мазкур УЗБАТ Санок комиссияси тўғрисидаги Низомни («Низом») ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга қарор қилдилар

### 1. ТАЪРИФЛАР ВА ИЗОҲЛАР

#### 1.1 Таърифлар

Мазкур Низомда УЗБАТ Уставида фойдаланиладиган ва куйидагича белгиланган таърифлар қўлланилади:

«Устав»	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Ягона дарча” тадбиркорлик суюъектларига давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан рўйхатга олинган “УЗБАТ АО” акциядорлик жамиятининг янги таҳридаги Уставни билдиради <u>8 июн</u> 2022 йил, рўйхатга олиш рақами 1246
«Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши»	УЗБАТ олий бошқарув органини билдиради.
«Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган мазмунга эга.
«Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган мазмунга эга.
«Кузатув Кенгаши»	Уставнинг 25-моддасида очиб берилган мазмунга эга.
«Бош Директор»	Уставнинг 30-моддасида очиб берилган мазмунга эга.
«Санок комиссияси»	УЗБАТ акциядорлари Умумий йиғилишида сайланадиган ва Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 66-моддасида кўзда тутилган вазифаларни ва УЗБАТ Уставининг 21-моддасида кўзда тутилган бошқа вазифаларни бажарадиган, УЗБАТ Акциядорлари Умумий йиғилиши томонидан сайланадиган УЗБАТ акциядорлари Умумий йиғилишининг ишчи органи ҳисобланади.

#### 1.2 Изоҳлар

Агар мазкур Низомдаги контекст фақат бирлик сонини билдирадиган бошқа сўзни талаб этмаса, кўплик сонини ва аксинча - бирлик сонини ўз ичига олади.

## **2. УМУМИЙ ҚИСМ**

- 2.1 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларин ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири), 2021 йил 29 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ЎРҚ 726 сонли Қонуни, хусусан, «акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва янги таҳрирдаги «УЗБАТ» Уставнинг 22 ва 24 моддалари.
- 2.2 Низом Санок комиссиясининг мақоми, таркиби, вазифалари, ваколатлари, унинг ишлаш тартиби ва УЗБАТнинг бошқа бошқарув органлари билан ўзаро алоқаларини белгилаб беради.

## **3. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

- 3.1 Санок комиссияси Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларин ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 66-моддаси ва УЗБАТ Уставининг 21-моддасида кўзда тутилган бошқа вазифаларни бажарувчи ишчи орган ҳисобланади.
- 3.2 Санок комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, давлат бошқарув органларининг қонуности далолатномалари, УЗБАТ Устави, мазкур Низоми ва Акциядорлар Умумий йиғилишида қабул қилинадиган ва Санок комиссияси ва унинг аъзоларининг фаолиятига тегишли бўлган бошқа ҳужжатларни қўллайди.
- 3.3 Агар Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик меъёрлари, бошқа меъёрий ҳуқуқий далолатномалари, УЗБАТ Устави ва ички ҳужжатлари билан тартибга солинмаган бўлса, улар Санок комиссияси томонидан, Умумий йиғилишда Акциядорларнинг иштирокини юнг юқори таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши керак.
- 3.4 Меъёрий ҳуқуқий ва бошқа далолатномаларда бириктирилган ҳар қандай тушунарсиз қоидалар, Санок комиссияси томонидан Акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кенгайтириш фойдасига изоҳланиши керак.

## **4. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ**

- 4.1 Санок комиссиясининг миқдорий ва ходимлар таркиби УЗБАТ Кузатув Кенгашининг таклифи билан УЗБАТ акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқланади. Санок комиссияси аъзолигига овоз бериш ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Маълум бир шахсни Санок комиссияси таркибига киритиш ҳақидаги қарор, агар унинг учун акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган УЗБАТ оддий акцияларининг 50% ортиқ миқдори эгалари (ёки уларнинг вакиллари) овоз берган бўлган бўлсагина қабул қилинади.
- 4.2 Санок комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтишчи, УЗБАТ Директори, шу билан бирга ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.
- 4.3 Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб, акциядорларнинг навбатдаги Умумий (йиллик ёки навбатдан ташқари) йиғилиши томонидан янги таркиб сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади.
- 4.4 Санок комиссиясининг аъзоси, УЗБАТни ёзма равишда хабардор қилиб, ўзининг ўз ваколатларидан озод бўлган кунини кўрсатган ҳолда, ҳар қандай вақтда ўз ҳоҳиши билан ўзини ўз ваколатларидан озод қилиш ҳуқуқига эга.

- 4.5 Саноқ комиссияси аъзоларининг сони уч кишидан кам бўлиб қолган тақдирда, Саноқ комиссиясининг қолган аъзолари Кузатов кенгашига яқин вақт оралиғида ўтказиладиган УЗБАТ Акциядорлар Умумий йиғилишида Саноқ комиссиясини сайлаш тўғрисида мурожаат қилиши тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга
- 4.6 Акциядорлар Умумий йиғилиши ҳар қандай вақтда Саноқ комиссиясининг алоҳида аъзолари ёки бутун таркибининг ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Саноқ комиссияси аъзосининг ваколатлари муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, Саноқ комиссияси бошқа аъзоларининг ваколатлари бекор қилинмайди, Саноқ комиссияси аъзоларининг сони уч кишидан кам бўлиб қолган ҳоллар – бундан истисно.

## **5. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

5.1 Саноқ комиссиясининг асосий вазифаларига Акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган барча шахсларнинг тенг имкониятини ва Умумий йиғилишда ҳал қилиш учун киритиладиган масалалар бўйича иштирокчиларнинг ҳоҳиш-истакларининг ҳаққоний аниқланишини таъминлашдан иборат.

5.2. Саноқ комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган шахсларнинг ваколатларини текширади ва рўйхатдан ўтказиши;
- рўйхатдан ўтказилган йиғилиш иштирокчиларига овоз бериш бюллетенларини ва Умумий Йиғилиш маълумотларини (материалларини) беради;
- акциядорлар умумий йиғилишида кворумнинг мавжудлигини ва кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича қарор қабул қилиш учун кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;
- акциядорлар (уларнинг вакиллари) умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларини рўёбга чиқариши муносабати билан юзага келадиган масалалар хусусида тушунтиришлар беради;
- овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;
- овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунини чиқаради;
- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади ва имзолайди;
- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади;
- Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқий ворислари ва шахсларнинг рўйхатига киритилган шахсларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни УЗБАТга топширади;
- УЗБАТ Устави ва ички ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

5.3 Акциядорлар умумий йиғилиши ким томонидан чақирилишидан қатъий назар, Саноқ комиссияси ўз вазифаларини бажариши шарт.

## **6. САНОҚ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1 Саноқ комиссияси аъзолари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда акциядорлар ҳуқуқлари ва мажбуриятларини таъминлаш мақсадларида ҳаракат қилишлари, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини виждонан ва оқилона бажаришлари керак.

6.2 Саноқ комиссияси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- УЗБАТ мансабдор шахслари ва ходимларидан ўз вазифаларини ўз вақтида ва тегишли даражада бажариш учун зарур бўлган маълумотларни (ҳужжатлар ва материалларни) тақдим этишини талаб қилиш;
- Саноқ комиссияси ҳужжатлари билан танишиш;
- Саноқ комиссияси ҳужжатларини тузишда иштирок этиш.

- 6.3 УЗБАТда меҳнат шартномаси бўйича ишловчи Санок комиссияси аъзолари, Санок комиссияси аъзоларининг мажбуриятларини бажариш даври учун ўз хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эгадирлар, бироқ УЗБАТ Акциядорлари Умумий Йиғилишини ўтказиш вақтида Санок комиссияси аъзосининг таътилга кетиши бундан истисно.
- 6.4 Санок комиссияси аъзоларининг мажбуриятлари:
- Санок комиссиясининг ўз вазифалари ва мажбуриятларига биноан, ўз ҳуқуқлари доирасида ҳаракат қилиш;
  - Акциядорлар ҳуқуқларини таъминлашга нисбатан оқилона, виждонан, керакли даражада ғамхўрлик билан ҳаракат қилиш;
  - алоҳида акциядорлар, ёки мансабдор ва бошқа шахслар манфаатлари йўлида эмас, балки бутун УЗБАТ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш;
  - Санок комиссияси мажлисларида иштирок этиш;
  - унинг ўзига маълум бўлган махфий маълумотларни ошкора этмаслик;
  - асосланган қарорлар қабул қилиш, бунинг учун зарур маълумотлар (материаллар)нинг барчасини ўрганиш ва Санок комиссиясининг вазифаларини бажаришга алоқаси бўлган барча маълумотларни Санок комиссиясининг барча аъзолари эътиборига етказиш;
  - Санок комиссиясининг бошқа аъзоларига ўзига маълум бўлган қонунчилик, меъёрий ҳуқуқий далолатномалар, Устав, мазкур Низом, УЗБАТ акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатлари қисмида ички ҳужжатларнинг бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар бериш;
  - Акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиш ва йиғилиш иштирокчиларининг саволларига жавоб бериш.
- 6.5 Санок комиссияси вазифаларини бажарувчи шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан йўл қўйилиши мумкин бўлган, овоз бериш (овозларни санаш ва баённомаларни тўлдириш) натижаларига ишлов бериш жараёнида олинган маълумотлар тижорат сирини ҳисобланади.

## **7. САНОҚ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 7.1 УЗБАТ Бош Директор шахсида, Санок комиссияси аъзолари билан уларга маълум бўлган маълумотларни ошкора этмаслиги ҳақида келишувидан иборат бўлган акциядорларнинг овоз беришлари тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқига эга, бу ҳақидаги маълумот қонун асосида тасдиқланиши лозим бўлган ҳоллар – бундан истисно.
- 7.2 Санок комиссияси аъзолари, уларнинг айбли ҳаракатлари туфайли УЗБАТга етказилган зарарлар учун амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган шароитларда ва тартибда УЗБАТ олдида жавобгар ҳисобланади.

## **8. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РЎХАТДАН ЎТКАЗИШ**

- 8.1 Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) ва УЗБАТ Устави талабларига биноан Акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этган акциядорлар, Умумий йиғилишда иштирок этган ҳисобланадилар.
- 8.2 Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишда акциядорларнинг умумий йиғилишида масофадан туриб иштирок этиш, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овоз беришга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш имкониятини берувчи ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан электрон овоз беришда иштирок этишнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар ярасини тартибга солиш бўйича ваколатли орган томонидан белгиланади.

## **9. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ КУНДУЗГИ ШАКЛДА ЎТКАЗИЛАДИГАН УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН РЎЙХАТГА ОЛИШ**

- 9.1 Санок комиссияси Умумий йиғилишда иштирок этувчи шахсларнинг ваколатларини текширади ва уларни рўйхатга олади.
- 9.2 Йиғилиши иштирокчиси овоз бериш бюллетенини олишдан бош тортиш ҳуқуқига эга, ва Санок комиссияси аъзоси томонидан рўйхатга олиш рўйхатига бу ҳақида тегишли ёзув киритилади.
- 9.3 Рўйхатга олиш вақтида Санок комиссияси қуйидагилар бўйича рўйхат юритиши керак:
- йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш;
  - Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига киритилган шахс номидан ҳаракат қилиши ҳуқуқини тасдиқловчи ишончномалар ёки бошқа ҳужжатларнинг ҳисоби;

Санок комиссиясиси ўз ташаббуси билан бошқача рўйхатларни ҳам юритиши мумкин.

- 9.4 Рўйхатга олиш УЗБАТ Кузатув кенгаши қарори ёки Умумий йиғилишни ўтказаетган шахсларнинг қарори билан белгиланган вақтда бошланади.
- 9.5 Рўйхатга олиш вақтида йиғилиш иштирокчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар
- акциядор (жисмоний шахс) — шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
  - акциядор (жисмоний шахс) вакили — акциядор номидан берилган ишончнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
  - акциядор (юрлик шахс) вакили — юрлик шахс номидан берилган ишончнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат.
- 9.6. Санок комиссияси йиғилиш иштирокчиларига имзо қўйдириб овоз бериш бюллетенларини ва йиғилиш иштирокчиларига тарқатилиши лозим бўлган бошқа материалларни беради.
- 9.7 Санок комиссияси йиғилиш иштирокчилари рўйхатини тўлдиради.
- 9.8 Йиғилиш иштирокчисининг акциядор номидан ҳаракат қилишини тасдиқловчи ишончнома рўйхатга олинаётган пайтда УЗБАТга топширилади.
- 9.9 Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 5 дақиқа аввал тугатилади.
- 9.10 Санок комиссияси йиғилиш иштирокчиларига Умумий йиғилиш кворумининг мавжудлиги ҳақида хабар беради.
- 9.11 Овоз бериш бюллетенлари йиғилиш иштирокчиларига паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат кўрсатганда, агар шахс ишончнома бўйича ҳаракат қилаётган бўлса, ишончномасини кўрсатгандагина берилади.

## **10. ОВОЗ БЕРИШЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ**

- 10.1 Йиғилишда овоз бериш йиғилиш ишининг бутун даври давомида ўтказилади.
- 10.2 Акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Акциядорлар Умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан юзага келадиган саволлар, Санок комиссиясининг ҳар қандай аъзосига ҳар қандай (оғзаки ёки ёзма) шаклда юборилиши мумкин. Берилган саволларга Санок комиссиясининг ихтиёрига кўра Санок комиссиясининг ҳар қайси аъзоси жавоб бериши мумкин.

## **11. ОВОЗЛАРНИ САНАШ**

- 11.1 Санок комиссиясининг аъзолари овоз бериш натижаларини белгилайдилар. Овоз бериш натижалари бўйича Санок комиссиясининг барча иштирок этган аъзолари томонидан имзоланадиган «Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома»си тузилади.
- 11.2 Овозларни санаш Санок комиссияси аъзолари томонидан очиқ ва очиқ-ойдин амалга оширилади.
- 11.3 Санок комиссиясининг аъзолари овозга қўйилган масалалар бўйича бюллетенларни саралайди, бир вақтнинг ўзида овоз бериш бюллетенидаги «тарафдор», «қарши» ва «бетараф» вариантлари учун берилган овозлар бўйича ҳақиқий бўлмаган бюллетенларни ажратиб олади.
- 11.4 Бюллетенларни саралаш пайтида, Санок комиссияси аъзолари бюллетендаги ёзувларни эълон қилади ва бевосита санаш вақтида бюллетенларни барча иштирокчиларга визуал назоратдан ўтказиш учун тақдим этади.
- 11.5 Саралагандан сўнг ҳақиқий бюллетенлар бўйича овозларни санаш амалга оширилади. Санок комиссиясининг иккитадан кам бўлмаган аъзоси, «тарафдор», «қарши» ва «бетараф» вариантлари учун берилган овозлар бўйича, ҳар бир масала бўйича алоҳида овоз бериш учун бюллетенларни санаб чиқади.
- 11.6 Ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар санаб чиқилади ва алоҳида қўшилади. Бюллетень ҳақиқий эмас деб тан олинганда гумон туғилса, Санок комиссияси масалани овоз бериш йўли билан ҳал қилади, бунда бюллетенда унинг ҳақиқий эмаслиги сабаблари кўрсатилади. Ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар сони овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомага киритилади.
- 11.7 Агар овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома тўлдирилган вақтда Санок комиссиясининг баъзи аъзолари бўлмаган тақдирда, баённомага уларнинг йўқлигининг сабаби кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув киритилади.
- 11.8 Қалам билан овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани тўлдиришга ва унга бирор ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаси имзоланаётганда, баённома мазмунидан рози бўлмаган Санок комиссияси аъзолари, баённомага алоҳида фикр билдиришга ҳақлидирлар, ва бу ҳақида баённомага тегишли ёзув киритилади.
- 11.9 Санок комиссияси аъзолари овоз беришни санаш бўйича техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.
- 11.10 Акциядорлар Умумий Йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш натижалари овоз бериш олиб борилган Акциядорлар Умумий Йиғилишида эълон қилинади, ҳамда Акциядорлар Умумий Йиғилиши ёпилгандан сўнг, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда овоз бериш натижалари тўғрисида ҳисоботни чоп этиш йўли билан акциядорлар эътиборига етказилади.
- 11.11 Овоз бериш натижалари тўғрисидаги Баённома тузилгач ва Акциядорлар Умумий Йиғилиши Баённомаси имзолангандан сўнг, овоз бериш учун қоғоз ёки электрон ташувчи ва ишончномада овоз бериш бюллетенлари ҳисоб комиссияси томонидан муҳрланади ва УЗБАТ архивига сақлашга топширилади.
- 11.12 Акциядорлар Умумий Йиғилишида овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани Акциядорлар Умумий Йиғилиши Баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

## **12. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ**

- 12.1. Акциядорлар Умумий Йиғилишида иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш рўйхати, Акциядорлар Умумий Йиғилишида овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома Санок комиссиясининг ҳужжатлари ҳисобланади ва уларга бўлган талаблар амалдаги қонунчиликка биноан белгиланади.

- 12.2 Санoқ комиссиясининг ҳужжатларини УЗБАТ Акциядорлар Умумий Йиғилишида тасдиқлаш ёки УЗБАТ бошқа органлари томонидан маъқуллаш зарурати йўқ.
- 12.3 Санoқ комиссияси томонидан қабул қилинган қарор, барча УЗБАТ Акциядорлари, Кузатув кенгаши ва Бош Директори учун мажбурий ҳисобланади.
- 12.4 Санoқ комиссияси томонидан қабул қилинган қарор, Санoқ комиссияси томонидан бошқа қарор қабул қилинган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.
- 12.5 Қарорни бекор қилиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилиши мумкин:
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, УЗБАТ Устави ёки УЗБАТ Акциядорлари Умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом билан ўрнатилган тартибда белгиланган Умумий Йиғилиш иштирокчиларининг ҳоҳиш-истаклари натижаларини ҳаққоний аниқлаш имконини бермасликка олиб келувчи овоз бериш тартибининг бузилиши;
  - Қарорнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва УЗБАТ ички ҳужжатларига зидлиги.
- 12.6 Санoқ комиссиясининг ҳужжатлари амалдаги қонунчилик талабларига биноан УЗБАТда сақланади.